

Арбаъин / Арбаъин / 37-ҳадис

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيمَا يَرَوِيهِ عَنْ رَبِّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى قَالَ: "إِنَّ اللَّهَ كَتَبَ الْحَسَنَاتِ وَالسَّيِّئَاتِ ثُمَّ بَيَّنَّ: فَمَنْ هَمَّ بِحَسَنَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كَتَبَهَا اللَّهُ عِنْدَهُ حَسَنَةً كَامِلَةً، وَإِنْ هَمَّ بِهَا فَعَمِلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ عِنْدَهُ عَشْرَ حَسَنَاتٍ إِلَى سَبْعِمِائَةٍ ضِعْفٍ إِلَى أَضْعَافٍ كَثِيرَةٍ، وَإِنْ هَمَّ بِسَيِّئَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كَتَبَهَا اللَّهُ عِنْدَهُ حَسَنَةً كَامِلَةً، وَإِنْ هَمَّ بِهَا فَعَمِلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ سَيِّئَةً وَاحِدَةً".

(رواه البخاري ومسلم في صحيحيهما بهذه الحروف).

Аллоҳ таоло адолати, фазли ва қудрати

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Парвардигорлари Аллоҳ таборака ва таолодан ривоят қилиб дедилар:

"Аллоҳ таоло яхшиликларни ҳам, ёмонликларни ҳам ёзди, сўнгра шуни баён қилиб берди: ким бир яхшиликни кўнглига тугса-ю, уни қилмаса, Аллоҳ таоло ўз ҳузурида уни комил яхшилик сифатида ёзиб қўяди. Агар бир яхшиликни кўнглига тугиб, уни амалга ҳам оширсан, Аллоҳ таоло уни ўз ҳузурида ўн ҳасанадан етти юз баробаргача – беҳад зиёдалар билан ёзиб қўяди. Агар банд бир ёмонликни кўнглига тугса-ю, уни қилмаса, Аллоҳ таоло ўз ҳузурида уни комил яхшилик сифатида ёзиб қўяди. Агар бир ёмонликни кўнглига тугиб, уни амалга оширсан, Аллоҳ таоло уни битта ёмонлик сифатида ёзиб қўяди". (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Имом Нававий раҳимахуллоҳ дедилар: "Аллоҳ бизга ҳам, сизга ҳам тавфиқ берсин, эй биродарим, Аллоҳ таолонинг улкан лутф-марҳаматига боқинг ва бу сўзларни синчиклаб қараб чиқинг!

"Ўз ҳузурида» лафзи Аллоҳ таолонинг яхши амалга бўлган эътиборига ишора. "Комил" калимаси эса айтилган эътиборни кучайтириб, таъкидлаб келмоқда. Банд дилига туккандан кейин тарк этган ёмонлик ҳақида ҳам: "Аллоҳ таоло ўз ҳузурида уни комил яхшилик сифатида ёзиб қўяди", деб,

унинг комиллигини таъкидлади. Банда томонидан содир этилган ёмонликни эса "комил" деб таъкидламади-да, унинг камайтирилишини таъкидлаб «битта» лафзини қўшимча қилди.

Мақтов ва миннат Аллоҳга хос! Биз Унинг ҳамду саноси адоғига етолмаймиз. Тавфиқ ёлғиз У зотдандир”.

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар:

1. Эзгуликларни амалга оширмақ.

Мўминнинг қилган битта яхши амали ўн баробар орттирилади... У нафақат яхшиликни кўнглига тугди, балки уни амал майдонига ҳам олиб чиқди. "Ким бир яхши амални қилса, унга ўн баробар қилиб қайтарилур". (Анъом сураси, 160-оят).

Аллоҳ таоло ўзи хоҳлаган бандасига бундан-да кўпроқ зиёдалар берур. "Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиладиган кишиларнинг мисоли худди ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўхшайди. Аллоҳ истаган кишиларига янада бир неча баробар қилиб беради. Аллоҳ карами кенг ва билимдондир". (Бақара сураси, 261-оят).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига нўхталанган туя етаклаб келди.

- Ё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам! Мана шу туя Аллоҳ йўлига! - деди у.

- Мана шу туянг учун Қиёмат кунда етти юзта туя берилади, - дедилар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам”. (Муслим ривоятлари).

Кишининг Исломи қанчалик гўзал, иймони нечоғлик комил ва қилган иши қай даражада ўрнига тушганига қараб, унинг амали зиёдалари билан ўзига қайтарилади.

2. Ёмон амалларни қилмоқ.

Банда томонидан содир этилган ҳар бир ёмонлик ўз ҳолида ёзиб қўйилади. "Ким бир ёмон иш қилса, фақат ўшанинг баробарида жазоланур ва уларга зулм қилинмас". (Анъом сураси, 160-оят).

Бироқ айрим гуноҳлар қилинган вақти, жойи ёки қилувчисининг шарафига қараб улкан ёмонлик саналади.

а) Уруш ҳаром қилинган ойларда маъсиятга қўл урмоқ Аллоҳ таоло наздида қаттиқ ҳаромдир: "Албатта Аллоҳнинг наздида ойларнинг саноғи Аллоҳ осмонлар ва ерни яратган кунда белгилаб қўйилганидек, ўн икки ойдир. Улардан тўртинчи уруш ҳаром қилинган ойлардир. Бас, у ойларда жанг қилиб ўзларингизга зулм қилмангиз!" (Тавба сураси, 36-оят).

Қатода мазкур оятни қуйидагича шарҳлаганлар:

“Билингки, ушбу ойларда зулм қилмоқ бошқа пайтлардагига қараганда қаттиқроқ ва ёмонроқ гуноҳдир. Албатта, зулм ҳар доим ҳам ёмон иш саналади. Бироқ Аллоҳ таоло ўз амрининг хоҳлаган қисмини янада улуғвор қилур!”

б) Ҳарамда, яъни, шундай шарафли маконда маъсиятга қўл урмоқ улкан гуноҳдир. "Ҳаж мавсуми маълум ойлардир (Яъни Шаввол, Зул-қаъда ва Зул-ҳижжа ойининг ўн куни). Бас, ким шу ойларда ўзига ҳажни фарз қилса (яъни, ҳаж қилишни ният қилса), ҳаж давомида (жуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди". (Бақара сураси, 197-оят).

Абдуллоҳ ибн Умар "гуноҳ ишлар"ни "ҳарамда маъсият ишга қўл урмоқ" деб шарҳлаганлар.

"Ва кимки у жойда зулм-зўравонлик билан йўлдан чиқмоқчи бўлса, унга аламли азобдан тоттириб қўюрмиз". (Ҳаж сураси, 25-оят).

Салафлардан Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос, Умар ибн Абдулазиз каби бир қанча кишилар Маккада гуноҳ иш қилиб қўйишдан қўрқиб, у ерда яшашдан ўзларини четга тортганлар.

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу айтадилар:

"Маккада туриб бир марта гуноҳ қилганимдан бошқа ерда туриб етмиш марта гуноҳ қилганим яхшироқ".

Мужоҳид айтадилар: "Маккада ҳасаналар зиёда қилинганидек, ёмон амаллар ҳам зиёда қилинади".

в) Аллоҳ таолони яхши билган ва Унга яқинлик-қурбат ҳосил қилган айрим хос бандаларнинг гуноҳи ҳам улкан ҳисобланади.

"Эй Пайғамбар аёллари, сизлардан ким очиқ гуноҳни қилар экан, унинг учун азоб икки баробар қилинур. Бу Аллоҳга осон бўлган ишдир. Сизлардан ким Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоат этса ва яхши амал қилса, Биз унинг ажрини икки ҳисса қилиб берурмиз ва унинг учун улуғ ризқни тайёрлаб қўйгандирмиз". (Аҳзоб сураси, 30-31-оятлар).

3. Ҳасаналарни ният қилмоқ.

Ким бир яхши амални қаттиқ кўнглига тугиб, сўнг уни қилмаса ҳам, ана шу қатъий қарори Аллоҳ таоло ҳузурида комил яхшилик сифатида ёзиб қўйилади. Чунки яхшилик қилишга бел боғламоқ ҳасаналарнинг муқаддимаси ва сабабчисидир. Яхшилик сабабчиси ҳам яхшилик саналади.

"Агар бандам бир яхшиликни амалга оширишга азм қилса, Мен унинг шу ниятини ҳасана-яхши амал сифатида ёзиб қўяман". (Ҳадиси қудсий. Муслим ривоятлари).

"Агар банда бир яхшиликни кўнглига тугиб, сўнг уни қилмаса, Аллоҳ таоло чин дилдан шу ишни хоҳлаганини билиб, ушбу ниятини ҳасана сифатида ёзиб қўяди". (Аҳмад ривоятлари).

Абу Дардо айтадилар: "Ким кечаси туриб намоз ўқишни ният қилиб тўшагига ётса-ю, кўзларига уйқу ғолиб келиб, тонггача ухлаб қолса, ният қилган амали унинг учун ёзиб қўйилади".

Саид ибн Мусаййиб айтадилар:

"Намоз ўқишни, рўза тутишни, ҳаж қилишни ёки жиҳодга чиқишни мақсад қилган банда бирон қаршиликка учраса, Аллоҳ таоло уни қилган ниятига эриштиради".

4. Ёмон амални кўнгилга тугмоқ.

Агар банда дилига туккан бир ёмон ишини тарк қилса, унинг учун комил ҳасана ёзилади.

Имом Муслим Абу Хурайрадан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"Аллоҳ таоло айтди: "У Мен туйфайли дилидаги ёмон амални тарк этди!" (Муслим ривоятлари).

Имом Бухорий ривоятларида эса бундай дейилган: "Агар у Мени деб ёмон ниятидан воз кечса..."

Яъни, банда фақат Аллоҳ таолони деб ёмон ниятидан воз кечсагина, унга яхшилик ёзилади. Чунки у солиҳ амални мақсад қилди. Солиҳ амал унинг Аллоҳ таоло розилиги йўлида ёмон ниятидан юз ўгирганидир. Аммо киши Аллоҳдан эмас, бошқа бировлардан қўрқиб ёки риё қилиб, кўнглига туккан ёмон ниятидан қайтса, бу иши учун ҳеч қандай ҳасанага эга бўлмайди. Аксинча, бузуқ ният таъсирида ёмонликни тарк этгани учун жазоланади, чунки у Аллоҳни қўйиб, инсонлардан қўрқди. Инсонлар қўрқувини Аллоҳнинг қўрқувидан муқаддам қўймоқ эса ҳаромдир. Шунингдек, риёкорлик ҳам шариат ҳаром қилган ишлар сирасига киради.

Қози Иёз Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қилган ҳадисни Абу Хурайра ҳадиси билан қайд қилишни маъқул топганлар.

Ҳофиз ибн Ҳажар айтадилар:

"Киши юқорида шарт қилинган туйғуни (Аллоҳнинг қўрқувини) дилидан ўтказмаса-да, маъсиятни тарк қилгани учун унга ҳасана ёзилиши мумкин. Чунки маъсиятни тарк этмоқ ёмонликнинг олдини олмоқдир. Бу эса албатта хайрли амал. Эҳтимол, дилига туккан маъсиятни тарк этган киши битта ҳасана олиб, Аллоҳдан қўрққани учун ёмон ниятини тарк этган банда зиёда ҳасаналар олар».

Хаттобий айтадилар: "Кўнглига туккан маъсиятни тарк қилувчи банда аслида ўша маъсиятга қодир бўлса, гуноҳни тарк этгани учун ҳасанага эга бўлади. Чунки инсон бир ишга қодир бўла туриб уни қилмаса, тарк қилувчи дейилади. Банда билан унинг ҳирси ўртасида бошқа бир тўсиқ монелик қилса, у инсоннинг ўз ихтиёри билан маъсиятни тарк қилиши дейилмайди. Масалан, биров зино қилиш ниятида келиб, маҳкам беркитиб қўйилган эшикни оча олмайди..."

5. Улуғ фазл.

Муслим ривоятларида юқоридаги ҳадиснинг қуйидаги зиёдаси ҳам бор:

"...Ёки Аллоҳ таоло маъсиятни ўчириб ташлайди. Аллоҳ таоло ҳақида фақат (ўзини) ҳалок қилгувчигина ҳалок бўлур".

Яъни, шариат ҳудудларини поймол этиб, ҳасаналардан юз ўгириб, ўзини ўзи ҳалок қилгувчи кимсанигина ана шу оқибат кутади. Шунинг учун Абдуллоҳ ибн Масъуд айтгандилар:

"Бирликлари (яъни, Аллоҳ ҳузурида ўз ҳолида ёзиладиган гуноҳлари) ўнликлардан (яъни, ўн баробар қилиб ёзиладиган яхшиликлардан) ғолиб келадиган кимсага вайл бўлсин!"

6. Фаришталар инсоннинг дилига туккан ниятидан дарак топадилар.

Бу илоҳий илҳом билан ёки қалбни очиш орқали юзага чиқади. Баъзилар фаришта ёмон ниятни ёқимсиз ҳид орқали, ҳасанани ёқимли ҳид орқали сезади, дейишади.

7. Рўзанинг фазли.

Ўзга ибодатлардан фарқли равишда рўзанинг савоби қанчалик зиёда бўлишини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Аллоҳ таоло айтади: "Одам боласининг ҳамма амали ўзи учундир. Фақат рўзаси Мен учун ва унинг мукофотини ҳам Ўзим бераман". (Ҳадиси қудсий).

Чунки рўза сабрнинг энг афзал кўринишидир.

"Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилгувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўқис қилиб берилур". (Зумар сураси, 10-оят).

8. Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига раҳмати кенг, мағфирати улғ ва ажр-мукофоти беҳисобдир.

9. Аллоҳ таоло бандасини дилидан ўтган ёмон ниятига кўра азобламайди. Дилидаги ёмон ниятлар амалда кўринсагина, уларга жазо беради

10. Муслмон киши ҳамиша бир яхши ниятни дилига тугиб юрсин. Эҳтимол, у хайрли ниятлари учун мўл-кўл ажр-савоблар олар. Албатта, мўминлар қодир бўлган чоғларида хайрли ниятларини амалга оширишга ўзларини шай тутмоқлари, ўргатмоқлари лозим.

11. Ихлосли бандалар адо этган хайрли ишлари учун ҳам, тарк қилган маъсиятлари учун ҳам қалбларидаги ихлослари сабабли ажр-савоб оладилар. Ихлоснинг улканлигига қараб берилажак ажр-савоблар ҳам зиёда бўлади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI